



## ИП ЙИГИРИШ КОРХОНАЛАРИГА АВТОМАТЛАШТИРИШ, ЗАМОНАВИЙ АҲБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРӢ ҶИҲАТӢ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТЛАР ОРҚАЛИ СИФАТНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ҲАМДА САМАРАЛИШ ИШ ТИЗИМЛАРИНИ ЯРАТИШ

А.Бобоматов, Б.Мирзабаев, А.Махмудов

Наманган мұхандислик-қурилиш

институты "Метрология ва стандартлаштириш" кафедраси

**Аннотация:** Мақолада ип йигириши корхоналаридаги титиш – тозалаш агрегатлари ишини назорат қилиш қурилмалари ҳақида маълумотлар келтирилган. Корхонадаги барча жиҳозлардан ажralиб чиқаётган ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш тизимлари ҳақида айтиб ўтилган. Сифатни бошқаришда лаборатория жиҳозларининг ахамияти ва бу жиҳозлардан фойдаланиш бўйича хуносалар келтирилган. Аҳборот технологияларини қўллаш самарадорлиги бўйича маълумотлар келтирилган

**Таянч сўзлар:** сифат, ип ўраш машинаси, йигириш машинаси, югурдақ, халқа, ўраш механизми, урчуқ, чўзиш асбоби.

Тўқимачилик саноати халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан биридир. У ҳар хил хом-ашёдан ип, жун ипи, ипак ипи, пишитилган ип, газламалар, трикотаж шунинигдек халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаради.


Йигириш бу бир неча технологик жараёнларнинг мажмуаси (йиғиндиси) бўлиб, унда пиликдан белгиланган талабларга жавоб берувчи бир текис, пишиқ ва узун ип олиш вазифаси амалга оширилади.

Толадан ип йигириш тош давридан маълум бўлиб, куйидаги ривожланиш босқичларига эга.

- қўлда айлантирадиган урчуқда ип олиш.
- Осма урчуқ ёрдамида ип олиш.
- Ғилдиракли чарх ёрдамида, яъни механик мослама ёрдамида ип олиш.

1490 йилда ўзи айланиб йигиривчи (Самопрялка) қурилмаси кашф этилди. 1530 йилга келиб унга харакат берувчи ғилдиракнинг ўрнатилиши натижасида у кенг тарқалди. Биринчи чўзиш асбоби мавжуд йигириш машинасга 1738 йилда Уайт томонидан патент олинди. 1756 йилда Родион Глинков, 1765 йилда Жеймс Гаргривс кўп урчуқли йигириш машинасини ихтиро этдилар.

Ҳозирги вақтда ишлаётган йигириш машиналари 1830 йилда яратилган бўлиб фақат унинг тузилиши ўзгартирилиб, такомиллаштирилиб келинмоқда.





Ип йигириш технологиясининг тараққиёти йўналишлари куйидагилардан иборат.

1. Технологик босқичларнинг қисқартириш-машиналарни бир бирига агрегатлаш хисобига.

2. Чўзиш асбоблари қувватини ошириш хисобига босқичларни камайтириш.

3. Урчуқлар тезлигини  $20000 \text{ мин}^{-1}$  гача етказиш.

4. Маҳсулот сифатини ошириш, ип йўғонлиги, равонлиги, пишиқлиги, тозалиги каби кўрсаткичларни жаҳон талаблари даражасига етказиш.

5. Янги технологияларни яратиш.

6. Кўл меҳнатини механизациялаш, работ техникасини жорий қилиш.

**ИП ЎРАШ МАШИНASI** — тўқимачиликда калава ип, ипак, сунъий иплар ва бошқа ипларни ғалтак ёки бобиналарга қайта ўрайдиган [машина](#). Калава ипни қайта ўрайдиган машиналар арқоқни қайта ўраш ва тандани қайта ўраш машиналарига бўлинади. Улар ўз навбатида ипни параллел ўрайдиган ва айқаш ўрайдиган хилларга ажралади. Иплар параллел ўралганда икки [фланец](#) (четки [девор](#)) ли ғалтак ишлатилади. Ипларни айқаш (хочсимон) қилиб ўрашда деворсиз бобинадан фойдаланилади. Ипни бобинага ўрашда [йигириш](#) машиналаридан олинган найчалар / қўзғалмас шпилькаларга кийгизилади, найчалардан бўшалиб чиқаётган ип кронштейнга ўрнатилган таранглагичдан ўтади. Ип ўраш барабанчасининг винтсимон ўйифи бўйлаб ўтиб, айланиб турувчи [бобина](#)га ўралади. Бобинадан ип, дастлаб, конуссимон [коғоз патрон](#)га ўралади. Бу патронлар тутгичга ўрнатилган ўқдаги [урчуқ](#)га кийгизилади. [Арқоқ](#) ипи ўралган калавалар тўкув станогининг мокисига тўғри келмаса ёки ип яхши ўралмаган бўлса, ип ўраш машинаси ёки автоматларда мокига тўғри келадиган найчаларга қайта ўралади.

Йигириш машинасида ипдан бир неча марта йўғон бўлган маҳсулотнинг узуликсизлигини, пишиқлигини таъминлаш ва кейинги ишлов бериш учун қулай шаклга эга бўлган ўрам-калава ип ҳосил қилишдан иборат.


Ҳақали йигириш машинасида асосан учта технологик жараён- чўзиш, пишитиш ва ўраш ишлари бажарилади.

Йигириш машиналари ишланаётган ипнинг йўғон - ингичкалилигига, ишлатилишига қараб хар хил маркаларга бўлинади.

Ингичка йўғонликдаги иплар учун П-66-5М4, П-66-5М6, ПУ-665М4, ПУ-66-5М6 маркали машиналарда, ўртacha йўғонликдаги иплар эса П-76-5М4, П-76-5М6 маркали машиналарда ва нихоят йўғон иплар учун П-83-5М маркали йигириш машиналарида ишлаб чиқарилади.

Ҳалқали йигириш машинаси куйидаги асосий ишли қисмлардан иборат бўлиб уларга:





1. Таъминловчи пилик.
2. Йўналтирувчи чивиқ.
3. Зичлагичлар.
- , 4. Чўзиш асбоби.
5. Ип ўтказгич.
- , 6. Югурдак.
7. Ҳалқа
8. Урчук.
- , 9. Калава ип.

Ҳалқали йигириш машинасида жойлашган чўзиш асбоби ёрдамида таъминланаётган пиликни керакли йўғонликда ингичкалаштирилади, пишитилади, ҳосил бўлган ип патрон ёки ёғоч найчага ўралади.


#### Йигириш машинасининг таъминлаш механизми.

Йигириш машинасидаги пилик рамкалари машинанинг турига ва ундаги ишлаб чиқарилаётган ипнинг йўғонлигига қараб бир ярусли, икки ярусли ва уч ярусли бўлади. Бир ярусли рамка, асосан йўғон иплар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Шунга муофиқ ишлатиладиган пилик хам йўғон бўлади. Ингичка иплар қўш пиликлардан олинади. Бунда пиликли ғалтаклар олинадиган ипларга нисбатан икки баравар кўпайиб кетади ва бир, икки ярусли рамкага сифмайди. Шунинг учун бу ҳолда уч ярусли рамкалар ишлатилади.

Конструкторлар хар хил рамкалар афзалликларини ўзида мужассамлаштирилган унверсал рамка таклиф қилганлар. Бу рамкада ғалтаклар баландлиги бўйича бирин кетин силжитиб жойлаштирилганлиги учун уларни алмаштириш қийин эмас.


Йигириш машиналарида пахта толасига ва ишлаб чиқариладиган ипга қараб хар хил чўзиш асбоблари ишлатилади ва улар қуидагиларга бўлинади.

- Чўзиш қуввати паст бўлган чўзиш асбоблари - НВ
- Чўзиш қуввати оддий бўлган чўзиш асбоблари - ОВ
- Чўзиш қуввати юқори бўлган чўзиш асбоблари - ВВ
- Чўзиш қуввати ўта юқори бўлган чўзиш асбоблари - СВВ



Хозирги замонавий йигириш машиналарида ВР-1, ВР-2 ва асосан SKF ( Германия ) фирмаси лицензияси бўйича чиқаётган чўзиш асбоблари қўлланилмоқда.

SKF ( а ) чўзиш асбобининг чўзиш қуввати  $E = 65$  гача.





Куйидаги омиллар чўзиш приборининг қувватини ошириш йўлларидан бири бўлиб уларга:

- чўзиш зонасидаги назоратсиз толаларни камайтириш;
- цилиндр ва валикларнинг аниқ ясалишини таъминлаш;
- зичлагичларни қўллаш;
- чўзиш зоналарини эгилишини таъмилаш;
- валикларга ишқаланиш коэффиценти ўзгармас бўлган қопламалар қоплаш;
- валикларга қўйилган юкларнинг доимийлигини таъминловчи юкловчи механизмлар ишлатиш;

Югурдак ва ҳалқалар.

**Югурдаклар.** Йигириш машинасида югурдак скоба шаклида, пўлат симдан ясалиб икки хил типга бўлинади.

С -симон ( а ) ва эллипс ( б ) шаклда.


Ҳалқа бўйлаб айланаётган югурдак урчуқдан орқада қолади, шунинг ҳисобига олд цилиндрдан чиқаётган ип патронга зич қилиб ўралади.

Югурдак массаси йигирилаётган ипнинг йўғонлигига ва турига қараб танланади. Югурдакнинг номери 1000 та югурдакнинг граммлардаги массаси билан белгиланади. Ип қанча йўғон бўлса, шунча оғирроқ югурдак танланади.

**Ҳалқалар.** Йигириш машинасида ҳалқалар, ҳалқа планкасига ўрнатилган бўлиб у югурдакнинг харакатланиши учун йўналтирувчи юза ва таянч ҳисобланади.


Югурдакнинг ҳалқа билан ишқаланиш даражасини камайтириш учун ҳалқа юзаси электр жилоланади ва унинг тозалик даражаси жуда юқори бўлиши керак.

Йигириш машиналарида куйидаги типлардаги ҳалқалар бўлиб, -бир ( а ) бортли ОГ фақат юқори бортлари ишлатилади, пастки қисмидан уларни ҳалқа планкасига маҳкамлаш учун фойдаланилади.



- икки ( б ) бортли КД ҳалқаларнинг битта бортининг иш юзаси ейилгач, улар ўгирилиб бошқа томонини ўрнатиш мумкин.

Хозирги замонавий йигириш машиналарида КРГ ( в ) типдаги ҳалқалар кенг қўланилмоқда. Бундай КРГ ҳалқалари ОГ ҳалқаларига нисбатан 1,5 - 2 марта узоқ ишлайди.





Ҳалқа диаметри ипнинг йўғонлигига, вазифасига, патронга ўраладиган ип ўлчамига кўра танланади.

Ўраш механизми.


Ҳалқали йигириш машиналарида ишланаётган ипни бирор шаклда патрон ёки найчага ўраш вазифасини ўраш механизми бажаради.

Ип патрон ёки найчаларнинг энг қуий қисмida аввал ўрам уясини ҳосил қилиш учун энг кичик масофада ўрала бошлайди. Бу масофа аста-секин катталашиб бориш билан бир қаторда маълум масофага юқорига силжиб боради. Натижада патроннинг пастки қисмida баландликлари ортиб, бир-бирига нисбатан силжиган қатламлардан ташкил топган, сирти сферик шаклли уя ҳосил қилинади.

Бундан юқорида қатлам ва ора қатламларнинг баландликлари ўзгармай ўралиб, ўрамнинг танаси ҳосил қилинади. Ўраш меанизми найчанинг уясини ишлаётганда ҳалқали планка аввал кичик масофага аста-секин катталашиб бориб, найча танасига ўралаётгандаги баландликка тенг бўлиб қолади.

Ҳалқали планка кўтарилигандан ип зичроқ, тушганда эса сийракроқ ўралиб,

қатлам ва ора қатламли ўрам ҳосил қиласди.



Ўраш механизми ҳалқали планкани икки хил харакатга келтиради. Ўрам қатлами ёки ора қатламини ўраш учун планкани патрон бўйлаб маълум масофага чиқариб тушириб туриш механизмнинг биринчи вазифаси бўлса, иккинчисига хар бир қатламни олдингисига нисбатан ўрам қатламига тенг масофага силжитишидир.

Ҳалқали планканинг шу икки харакати нуқсонсиз бўлиб турса, ўраш сифати хам юқори бўлади.

Бундан кўриниб турибдики ип ўраш машиналарининг конструкцияси мураккаб бўлиб хозир 21 асрда бу жихозларни автоматлаштириш ёки компьютер технологиялари орқали бошқариш долзарблигича қолмоқда. Ривожланган давлатларда дастурчиларни жалб қилиб тўқимачилик сохаларида ҳам IT технологияларини кенг жорий қилиш орқали сифатли маҳсулот олиш билан самарали бошқарув тизимлари яратилмоқда. Ипни сифатли олишда ҳар бир жихоз ҳар бир ўтиларда йўқотишлар минимал бўлишига эришиш ҳар бир ишлаб чиқарувчи корхоналар олдидағи долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бу муаммоларни бартараф этишнинг ечими сифатида ҳар бир ўтиш жараёнларини автоматлаштириш маҳсулот сифатини назорат қилувчи уни параметрларни белгиланган диапазонда ушлаб турувчи дастурий таъминотлар билан жихозланиши керак. Ип йигириш





корхоналарида иш жараёнлари ва бўғимлари кўп бўлиши, ҳар бир маҳсулот сифат кўрсаткичларини доимий назоратда ушлаб турилиши кўп ишчи кучи ва электр энергия талаб этади. Бу талабларни бартараф этишнинг самарали усули корхоналарга ахборот технологиялари, компьютер тизимлари ва дастурий таъминотлар орқали бошқаришни муқобиллаштиради. Маҳсулот сифати минимал даражада ушлаб туриш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285 сонли фармонида ҳам Тўқимачилик ва енгил саноат тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жалб қилиш орқали самарали бошқарув тизимларини яратиш ҳақида айтиб ўтилади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. ПҚ – 2687. 2017 — 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув – трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора – тадбирлари дастури тўғрисида. Тошкент – 2016 й. 21 – декабр.
2. “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285 сонли Президент фармони 2017 йил 14 декабр.
3. S.L.Matismoilov, Q.G'.G'ofurov, A.Pirmatov, Q.Jumaniyazov “Хом ashyni yigirishga tayyorlash” Toshkent – 2018 у.
4. Б.Б.Мирзабаев, Ж.Б.Мирзабаев “Ип йигириш корхоналарида маҳсулот сифатини назорат қилиш”. Международный научный журнал “УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА” № 12-2(71), декабрь 2020 г.
5. Б.Б. Мирзабаев, Х.Т.Бобожанов “Тўқимачилик корхоналарида сифатни назорат қилишнинг замонавий усуллари” «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш ва кадрлар тайёрлашга инновацион ёндашувлар» Республика онлайн илмий-амалий анжумани илмий мақолалари тўплами. Наманган – 2020 й
6. Б.Мирзабаев «Тўқимачилик саноати маҳсулотларини сифат кўрсаткичларини синаш ва назорат қилишнинг замонавий тизимини тадқиқ қилиш» Магистрлик диссертацияси. Наманган 2021 йил
7. Djuraev, A., Mavlyanov, A. P., Daliyev, S. H., Bobomatov, A. H., & Radjabov, O. I. (2017). The substantiation of the parameters of the grid on elastic supports of the cotton-raw cleaner. In *76th Plenary meeting of the ICAC Tashkent* (pp. 246-251).
8. Турдалиев, В. М., Бобоматов, А. Х., & Холтураев, Х. П. (2016). Разработка конструкций и методы расчета параметров колеблющихся сеток. *Монография*. Изд. LAP Lambert Academic Publishing, Deutschland.

